



# FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA

[Jild: 03 Nashr: 11 (2024)]

[www.mudarrisziyo.uz](http://www.mudarrisziyo.uz)

## ЭГА ШАКЛИДА ИФОДАЛАНИБ КЕЛУВЧИ АЖРАТИЛГАН ГАП БЎЛАКЛАРИГА ХОС БЎЛГАН ХУСУСИЯТЛАР ТЎҒРИСИДА

**Жумаев Орифжон Киличбоевич**

Самарқанд давлат чет тиллар институти

немис филологияси кафедраси доценти в.б.

**Аннотация:** Ушбу мақоламизда диққат-эътибор ажратилган гап бўлақларининг структурал типларига қаратилган. Шунингдек, эга шаклида ифодаланиб келувчи ажратилган гап бўлақларига хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришни асосий мақсад қилиб олинган.

**Калит сўзлар:** ажратилган бўлақ, коммуникатив қатлам, прагматик мотив, семантик муносабат, коммуникатив функция, тўлиқ предикативлик.

Ажратилган гап бўлақлари ўзининг структурал типларига кўра хилма-хилдир. Бирок уларнинг барча структуравий типларини бир иш доирасида таҳлил қилиб бўлмайди, шу сабабли ҳам биз ушбу мақоламиз доирасида ажратилган гап бўлақларининг структурал типларидан – эга шаклида ифодаланиб келувчи ажратилган гап бўлақларига хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришни асосий мақсад қилиб олдик.

Эга шаклида ифодаланиб келувчи ажратилган бўлақлар ҳам ўзларининг табиатига, ифодаланиш усулига, матн доирасида бажариб келувчи синтактик, семантик, ситилистик ва коммуникатив функцияларига кўра энг муҳим долзарб ва мураккаб масаладир.

Ушбу соҳага маълум даражада, рус тилшунослигида салмоқли ҳисса қўшган йирик тилшунос олим А.Г.Рудневнинг иккинчи даражали бўлақларга берган қуйидаги таъриф билан бошлашни ўрни деб биламиз: “Иккинчи даражали бўлақларнинг ажратилиши деб, нутқда бирон-бир гап бўлагининг мазмунини кучайтирувчи, изоҳловчи, конкретлаштирувчи ва унинг изоҳланаётган гап бўлаги билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи синтактик қурилмаларга айтилади” [5,28]. У, ушбу тезисни давом эттирган ҳолда яна шундай ёзади: “... иккинчи даражали бўлақлар бу – “тўлиқсиз жумлалар”дир, уларнинг мазмуни кесимга яқин туради, аммо, лекин бир хил эмас” [5,28]. А.Г.Рудневнинг ушбу тезисини Л.Р.Зиндер ва Т.В.Строевалар давом эттирган

ҳолда шундай ёзилади: “Ажратилган гап бўлаклари бу – гапнинг мавжуд тўлиқ предикативликдан “қўшимча” предикативликнинг (яъни ярим предикативликнинг) юзага келтирувчи муҳим жараён” [2,287]. Муаллифлар томонидан таъкидланган “ярим предикативлик” бу содда гапларнинг мураккаб гапга айлантирувчи муҳим омилдир. Айнан ана шу жараён, ажратилган бўлакли гаплар мазмунан ва оҳангдаги ўзига хос хусусиятлари билан мураккаб фикрни ифодалаб келишини алоҳида таъкидлайди. Чунки мураккаб фикрни ифодаловчи бундай гаплар қўшма гап бўла олмайди, чунки таркибида фақат битта асосий предикатив бирлик мавжуд. Шунга кўра, бундай гап қурилмаси содда гап ҳам бўла олмайди, чунки таркибида асосий предикатив бирликдан ташқари, ярим предикатив мазмунга эга бўлган ажратилган гап бўлаги бор.

Демак, биз бу ерда тилшунос олимларнинг фикр-мулоҳазаларига қанчалик тез-тез муурожаат қилсак, ажратилган бўлақлар тўғрисида шунчалик кўпроқ маълумотларга эга бўла борамиз, шунчалик унинг табиатини, лингвистик моҳиятини тўғри тушуна борамиз, чунки ҳар бир фикр-мулоҳазада ажратилган гап бўлақларига тегишли бўлган қандайдир муҳим хусусият яшириниб ётгандай. Масалан, М.Г.Арсеньева ҳаммуаллифлигида чоп этилган немис тили грамматикасига оид дарслигида мураккаб гапга шундай таъриф беради: “мураккаб гап бу-гап бўлақларининг ажратилиш жараёнидир” [9,298]. Ҳақиқатдан ҳам муаллифнинг мураккаб гапга нисбатан берган бундай баҳоси тўлиқ мантикий мазмунга эга, чунки ажратилган гап бўлақлари, улар қандай структурал типларга эга бўлишларидан қатъий назар, бу-мураккаб гапларнинг таркибий қисмидир, фақат улар иштирокидагина ҳар қандай гап мураккаблашиши мумкин. Баъзида мураккаб гапни ташкил қилишда иштирок этувчи компонентлар ичида ажратилган гап бўлақлари шу даражада кенгайиши мумкин-ки, натижада мураккаб гап таркибида улар ўзига хос иккинчи даражали синтактик ва семантик ядрони ҳосил қилишади. Бундай шароитларда, матн таркибида, ажратилган гап бўлагига, масалан эга шаклида ифодаланиб келган ажратилган гап бўлақларига бажариб келаётган синтактик функцияси бошқачароқ бўлган худди шундай ажратилган гап бўлақлари бирикиб келиши мумкин. Ажратилган бўлақларга хос бўлган бундай хусусиятлар Е.В.Гулыга ва М.Д.Натансонларнинг “in der Regel werden nicht einzelne Wörter, sondern Wortfügungen abgesondert” ва Г.Н.Эйхбаумнинг “ажратилган гап бўлақлари камдан-кам ёлғиз, яъни якка тартибда қўлланиши мумкин” [8,17] каби тезисларини маълум даражада ҳақиқатга яқинроқ эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Ажратилган гап бўлақларига нисбатан бериладиган бундай таърифлар борган сари янги-янги хусусиятларга бой бўлади. Масалан, В.Г.Адмони ажратилган бўлақларга нисбатан “қўшимча”, “ортиқча”, яъни айтилган фикрга “қўшиб ёзиладиган синтактик конструкциялар” каби терминологик тушунчаларни қўллаб, у тўғрисида шундай ёзади: “қўшиб ёзиш”, яъни “ортиқча ёзиш” бу-тилнинг эмас, балки тафаккурнинг маҳсулидир” [1,60]. Муаллиф ушбу тезиснинг давоми сифатида яна шундай фикрни келтиради: “Аниқланмишга нисбатан аниқловчиларнинг қўшиб ёзиш бу-барча аниқловчиларнинг структурал типларига, шунингдек барча синтактик муносабатларга хос бўлган хусусиятдир” [1,60]. Барча синтактик муносабатлар деганда В.Г.Адмони биринчи навбатда ажратилган гап бўлақлари маълум гап бўлақлари оралиғидаги синтактик муносабатлар бор жойда синтактик алоқалар намоён бўлади. Бундай алоқалар бизнинг ишимиз доирасида, биринчидан ажратилган гап бўлақлари билан маълум гап бўлаги ўртасидаги алоқани билдирса, иккинчидан эса гапнинг кесими орқали ажратилган гап бўлақларининг бутун

гап мазмуни билан алоқага киришини англатади. Ушбу тезисни тасдиқловчи қуйидаги фикрни бу ерда келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз. К.Н.Кияткина француз тилида аниқловчили ажратилган гап бўлақларини ўрганиб, шундай хулосага келади: “Аниқловчили ажратилган гап бўлақларининг мазмуни матнга нисбатан бўлган муносабатларида аниқланади. Натижада икки томонлама мазмуний боғлиқлик намоён бўлади, ажратилган бўлақ ҳам олдинги ва ҳам кейинги гап билан алоқа муносабатига киришади” [4,71].

Муаллифнинг бундай фикр-мулоҳазалари ажратилган гап бўлақларининг лингвистик моҳиятининг асл маъносини ифодаловчи янги-янги тушунчаларни келтириб чиқаришига сабаб бўлади. Унинг шундай эканлигини кейинги илмий тадқиқот ишларининг хулосаларидан ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, К.Г.Крушельницкая ва Т.А.Свибловалар ажратилган гап бўлақлари – “ялпи қўшимча маъно” берувчи гап бўлақларидир деб таъриф беришади [3,60; 90,9]. Муаллифлар томонидан берилган “қўшимча маъно” Г.Н.Эйхбаумнинг қуйидаги гап моделида ўз ифодасини топади, чунки муаллиф қўшимча маъно берувчи ажратилган гап бўлагига нисбатан “рема” тушунчасини киритиб, қуйидагича изоҳлайди:

М.: “Dieser Schiff, ein deutsches fährt im Jahre 1933 von Vera nach Bremenhaven” [107,22].

(Бу кема, немисларники 1933 йилда Верадан Бременхафенга боради)

Схема: [Эга (Тема) – Ажратилган гап бўлаги (Рема) – кесим (Рема) – ҳол (Рема)].

Демак, бу ерда рема функциясида келувчи – ein deutsches шаклидаги ажратилган гап бўлагининг маъноси “қўшимча” маънодир, чунки – эганинг, яъни теманинг мазмунини аниқлайди, изоҳлайди, конкретлаштиради. Бу билан муаллиф ажратилган гап бўлақларга нисбатан “тема” ва “рема” тушунчаларини киритиб, Л.П.Нестерованинг мураккаб гап таркибида “икки хил коммуникатив марказ ҳосил бўлади, улардан бири ажратилган бўлақлар таркибида, иккинчиси эса таянч гап таркибида” [6,10] деган тезисини яна бир бор тасдиқлайди.

Ажратилган гап бўлақларига хос бўлган бундай хусусиятларни аниқлаб борган сари, ҳатто олимларнинг “Apposition” терминологик тушунчасига нисбатан муносабатлари бир хил эмаслигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Албатта, бир хил ҳам бўлмайди, чунки ҳар бир тадқиқотчи ўзи танлаган мавзуга ўзи тушуна оладиган даражада ёндоша олади, шу мавзуга бошқа киши бошқача ёндошади, шунинг учун ҳам ёндошувлар бир хил бўлмайди, бу қонуният. Унинг шундай эканлигини, биз бу ерда “Apposition” тушунчасининг изоҳлашда ҳам кўрамиз. Ушбу терминологик тушунчадан ҳам олмоншунос олимлар турли хил соҳаларда фойдаланганлар. Масалан, германист олим Ф.Блатц ушбу терминни аниқловчили, инфинитивли, шунингдек қисқа шаклда сифат ва сифатдошлар шаклида ифодаланиб келган ажратилган бўлақларга нисбатан қўллайди. [10,131,571,806]. В.А.Адмони эса ушбу терминдан барча аниқловчили ажратилган бўлақларни (мослашадиган ва мослашмайдиган, ўзгарадиган ва ўзгармайдиган), шунингдек биринчи ўринда келувчи ва сўз тартибига маълум даражада таъсир этувчи атрибутивли ажратилган бўлақларни ифодалаш учун фойдаланади [1,308]. Рус тилшунос олими А.Г.Руднев ушбу терминнинг қўлланиш доирасини ниҳоятда кенгайтирган ҳолатда шундай ёзади: ...яъни бошқачароқ қилиб айтганда, ҳар қандай гап бўлаги, грамматик ифодаланиш усулларида қатъи назар бир-бирларига нисбатан изоҳловчили гап бўлақлари функциясида келаолиши мумкин: чунончи аниқловчи аниқловчига нисбатан, кесим кесимга нисбатан, ҳол ҳолга нисбатан ва ҳакозо” [5,3-4]. Германшунос олим Е.И.Шендельс эса ушбу ҳолатни бошқачароқ мазмунда тушунтириб

беришни афзал кўради: М.: 1. “Das Jahr hat zwölf Monate: Janvar, Februar, März...” (Бир йилда 12 та ой бор: январь, февраль, март...).

Ана шу мисол таҳлилида муаллиф ажойиб бир фикрни келтиради: “Баъзи бир турдаги изоҳловчилар ягона битта умумий сўзга таълуқли бўлади. Бундай шароитларда уларни уюшиқ гап бўлаклари деб таҳлил қилмоқ лозим. Агарда умумий сўз эга бўлса, у ҳолда унга тобе бўлган уюшган гап бўлаklarини эга сифатида, агарда тўлдирувчи бўлса, у ҳолда уюшган гап бўлаklarини тўлдирувчи сифатида изоҳлаш мақсадга муофикдир” [5,270].

Биз иш доирасида йирик германшунос олим Е.И.Шендельснинг ушбу тезисида баён қилган фикр-мулоҳазаларига амал қилган ҳолда шунингдек ушбу соҳада йирик германшунос олимлар В.Г.Адмони, Е.В.Гулыга ва Натансонларнинг келтирган фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда эга шаклида ифодаланиб келувчи барча ажратилган гап бўлаklarини матн таркибида қандай шаклда учраса, худди шундай шаклларда уларга хос бўлган барча хусусиятларни изоҳлаб беришга ҳаракат қиламиз. Шу билан биргаликда ажратилган гап бўлаklarига, шунингдек уларнинг таянч компонентларига нисбатан биз томондан юқорида таҳлил қилган илмий-тадқиқот ишларида қанақа терминологик тушунчалар қўлланилган бўлса, улардан таҳлил жараёнида оддийгина фойдаланиб қолмасдан, балки уларни маълум даражада кенгайтиришга ҳаракат қиламиз. Ажратилган гап бўлаklarининг ўрганишга бўлган бундай ёндошув уларга хос бўлган барча хусусиятларни, яъни ажратилган бўлаklarнинг синтактик табиатини, ифодаланиш усулларини; синтактик конструкциялар таркибида тутган позицияларини, структуравий тузилишини; ёлғиз ёки кенгайган ҳолатларда келишини; маълум гап бўлаги билан ажратилган гап бўлаги оралиғидаги алоқа воситаларини; бирикиш усулларини; семантик, ситилистик ва коммуникатив функцияларини тўғри изоҳлаб бериш учун имконият яратади. Эга шаклидаги ажратилган гап бўлаklarига хос бўлган бундай хусусиятлар икки йўналишда ифодалаб беришни лозим топамиз: 1) Семантик партнери олмош шаклида ифодаланиб келувчи ажратилган гап бўлаklarининг синтактик ва семантик хусусиятлари. 2) Семантик партнери от шаклида ифодаланиб келувчи ажратилган гап бўлаklarининг синтактик ва семантик хусусиятлари.

### **Xulosa:**

Демак, бу ерда шу нарсани алоҳида эътироф этиш лозимки, ажратилган бўлакли гаплар таркибида, аниқроғи мураккаб гап таркибида синтактик партнер (яъни таянч компонент, антецедент, маълум гап бўлаги, асосий гап бўлаги, оддий гап бўлаги, изоҳланмиш, изоҳланаётган бўлак ва бошқалар) муҳим рол ўйнайди, чунки юзага келаётган ҳар қандай ажратилган гап бўлаги, айнан ана шу семантик партнернинг мазмуний талаби билан, коммуникатив вазифаси билан юзага келади ва унинг мазмунини аниқлайди, изоҳлайди, кенгайтиради, тўлдиради, конкретлаштиради, реаллаштиради, тўлдиради. Энди ажратилган бўлаklarга хос бўлган бундай хусусиятларни конкрет мисоллар таҳлилида изоҳлаб беришга ўтамиз

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Адмони В.Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. М., 1955. – 391 с.
2. Зиндер Л.Р., Строева Т.В. Современный немецкий язык. – М. 1957. – 420 с.
3. Крушельницкая К.Г. К вопросу о смысловом членении предложения // – «Вопросы языкознания», 1956, №5. С. 55–67.



4. Кияткина К.Н. Значения обособленных определений и способы их выявления // Структура предложения и лексико–грамматические отношения. – Л., 1972. – С. 71–86.
5. Руднев А.Г. Обособленные второстепенные члены предложения в письменных памятниках XII–XIV вв древнерусского литературного языка // Ученые Записки Ленингр. гос. пед. ин–та, т.174, 1959. – 254 с.
6. Свиблова Т.А. Обособленные члены предложения в современном немецком языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1966. – 31 с.
7. Шендельс Е.И. Грамматика немецкого языка. – М., 1952. – 368 с.
8. Эйхбаум Г.Н. Обособленные инфинитивные и причастные обороты в современном немецком языке // Структура предложения в немецком языке. – Л., 1973. – С. 106–113.
9. Arssenjewa M.G. u.a. Grammatik der deutschen Sprache. М., 1960.- 436 s.
10. Blatz. Neuhochdeutsche Grammatik mit Berücksichtigung der historischen Entwicklung der deutschen Sprache. Bd. 2. Satzlehre. Karlsruhe, 1900. – 1314 s.
11. Gulyga E.W. Nathanson M.D. Syntax der deutschen Gegenwartssprache. – М. – Л., 1966. – 226 S.
12. Аноркулов, С. И. (2022). Немецкие идиомы с предметами одежды в сравнительном переводе с немецкого на английский. *Процветание науки*, (7 (13)), 57-66.